

Гулчеҳра НАВРЎЗОВА,  
Бухоро муҳандислик-технология институти  
Ижтимоий фанлар кафедраси профессори,  
фалсафа фанлари доктори

## САЙЙИД АМИР КУЛОЛНИНГ ИЛМУ МАЪРИФАТГА ОИД ЎГИТЛАРИ

Инсоният камолотида илму маърифатнинг ўрни беқиёсдир. Инсониятни жаҳолат ботқоғидан факатгина илму маърифат кутқара олади. Илм зиёсининг аҳамиятини жуда кўп олиму алломалар ёзганлар. Шулардан бири Саййид Амир Кулолдир.

Саййид Амир Кулол (1281-1370) Хожагон ва Накшбандия тариқатларини бир-бирига боғлаб турган улуг зот, Силсилаи Шарифнинг 15-ҳалқа пири<sup>1</sup> ва Бухорои Шариф Етти Пирининг олтинчисидир<sup>2</sup>. Саййид Амир Кулол ҳақидаги маълумотлар “Мақомоти Амир Кулол”<sup>3</sup> ва “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Накшбанд” да батафсил ёритилган.<sup>4</sup> Шунингдек, Абдурахмон

Жомий, Алишер Навоий, Фахруддин Али Сафий ва Носириддин Тўралар томонидан ёзилган тазкираларида бу ҳақда маълумотлар сақланган.

Биз Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлаб Нигора Сафарова билан ҳаммуаллифликда ёзган ва 1996 йилда нашр этилган “Амир Кулол ва Баҳоуддин Накшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари” номли монографиямиз<sup>5</sup> ва 3 марта нашр этилган устозимиз Х.Ҳасанов билан биргаликда тайёрланган “Ҳазрат Саййид Амир Кулол” номли рисоламиз<sup>6</sup>да манбалар асосида Амир Кулол ҳаёт йўлини ёритган эдик. Бу мақоламизда Амир Кулолнинг илму маърифатга бўлган муносабатини фалсафий таҳлил этишни мақсад қилиб қўйдик.

Ҳазрат Саййид Амир Кулол таълимотларининг муҳим қисми илм олиш ва билишнинг аҳамияти масаладир. Хожагон таълимотининг йирик намоёниси Амир Кулол илм олиш ҳақида гапириб, шогирдларига пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) томонидан айтилган: “Илмга

<sup>1</sup> Силсилаи олийя. Алматы: «Туркистан медреси қоры», 2014. 50-52-бетлар.

<sup>2</sup> Наврўзова Г., Зоиров Э. Саййид Мир Кулол – Бухорои Шарифнинг олтинчи пири. / Бухорои Шарифнинг Етти Пир. Тошкент: “Muharrir nashriyoti”, 2018. 51-59-бетлар.

<sup>3</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма, Шихаб ад-дин б.бинт амир Ҳамза. Житие Амира Кулала. Перевод и предисловие О. М. Ястребовой. / Мудрость суфиев. СПб.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. С. 27-270. Мир Кулол Мақомотларидан. / Дурдона. Мир Кулол ва Шохӣ Накшбанд Мақомотларидан. Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси. Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1993. 7-33-бетлар.

<sup>4</sup> Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Накшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. 335 б. Абул Ҳасан Муҳаммад Боқир бин Муҳаммад Али. Баҳоуддин Накшбанд Мақомотларидан (Мақомоти

Шохӣ Накшбанд). / Дурдона. Мир Кулол ва Шохӣ Накшбанд Мақомотларидан. Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси. Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1993. 37-71-бетлар.

<sup>5</sup> Наврўзова Г., Сафарова Н. Амир Кулол ва Баҳоуддин Накшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари. Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 1996. 100 б.

<sup>6</sup> Ҳасанов Х., Наврўзова Г. Ҳазрат Саййид Амир Кулол (учинчи нашр). Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003. 40 б.

толиблик муслим ва муслималарнинг ҳаммаси учун фарздир”, деган ҳадиси шарифни ҳамиша такрорлаб турган ва бу билан барчани илм олишга тарғиб этган.

Амир Кулол илмни эгаллаб олиш лозимлигини уқтирган ва инсон илми билан улуғ ва қадрли деган ғояни илгари суриб, илмсиз одамни ҳайвондан ҳам тубан деб, қуйидагича баҳо берган:

Агар фарзанди султонию хони,  
Чу дониш нест бадтар аз сағони.<sup>7</sup>

Мазмуни:

Султон ва хоннинг фарзанди бўлсанг-да, лекин билиминг бўлмаса сен итдан ҳам тубансан.

Бу мисралар билан Амир Кулол жамиятда инсонни қадри қайси табақа вакили бўлганлиги билан эмас, балким илму маърифатни эгаллаганлиги даражаси билан ўлчаниши лозимлиги ғоясини илгари сурмоқда.

Саййид Амир Кулол илм олиш жуда мураккаб жараён эканлигини уқтириб, шундай дейди: “Дар ҳар кужо бошед даст аз талаби илм дур надоред. Агар шумо аз дарёи об ва оташ бояд гузаштан, бигузаред ва илм ба даст оред”. Мазмуни: Қаерда бўлмасангиз илм талабида бўлинг. Бу йўлда оловли ёки сувли дарёдан ўтиш лозим бўлиб қолса, албатта, ўтингу, лекин илмни эгалланг.

Дар бодияи илм давидан, чи хуш аст,  
В-аз олами маъни суҳан шунидан, чи хуш аст.

Сад бор ба иттифоқ бо дил гуфтам,  
Аз сўхбати ноақл буридан, чи хуш аст.<sup>8</sup>

Мазмуни: Илм орқасидан югуриш қандай гўзал иш. Маънолар олаmidан сўз эшитиш қандай ажойиб! Ақлсиз билан суҳбатни узиб ташлаш кераклигини юз бор юрагимдан айтдим.

Амир Кулол билим олиш жараёнида ақлли, доно кишилар билан суҳбатнинг аҳамиятини уқтиради. У ҳамсуҳбатнинг ҳолати инсоннинг вужудига таъсир этишини англаб, нодонлардан узоқда бўлишга чақиради. Чунки нодонлар

билан бўлиш уларнинг таъсирига тушишга олиб келиши мумкин.

Бо бад маншину, бош бегонаи ў,  
Бар дом афти гар хўри донан ў,  
Тир аз пай ростӣ камонро каж дид,  
Диди, ки чи гуна жаст аз хонаи ў.<sup>9</sup>

Мазмуни: Ёмон билан ўтирмагин, ундан узоқроқ юргин, чунки унинг таъсирига тушиб қолишинг мумкин. Тир камоннинг эгрилигини кўрганидан кейин ундан қандай қочиб кетганини кўрдингми, сен ҳам ана шундай ёмондан қочгин.

Амир Кулол нодонлардан узоқда туриш ғоясини давом эттириб, шу мазмунга уйғун қуйидаги фикрни билдиради:

Чи хуш гуфт он хирадманди суҳандон,  
Ки рўй аз сўхбати нодон бигардон,  
Дарахти нафси нодон бар наёрад,  
Ҳузураш жуз ба дардисар наёрад.<sup>10</sup>

Мазмуни: Ақлли сўз эгаси нодон киши суҳбатидан юз ўгириши керак деб жуда тўғри айтган. Нодон одам нафсининг дарахти чегарани билмайди, шунинг учун ҳам у билан бўлиш бош оғриғидан ташқари ҳеч нимани келтирмайди.

Амир Кулол юқоридаги мисралар орқали нодон инсонлар нафс қулига айланиб, ҳамсуҳбатига ҳам ёмон таъсир этиши мумкинлигини таъкидламоқда. Бу билан нафсни поклаш, уни бошқариш вужудни поклашга олиб келиши ва бу илмни эгаллаш учун зарурлигини кўрсатмоқда.

Ҳазрат Амир Кулол илм билан амалиётни чамбарчаст боғлиқликда деб қарайди ва амалиётда қўлланиладиган билим хазинага айланади, – деб қуйидаги ғояни уқтиради:

Ҳар киро илму ақл пироя аст,  
Ҳар киро ин ду нест бе моя аст.  
Илм бояд бо амал ганже бувад,  
Аз он, ки бе дониш амал ранже бувад.<sup>11</sup>

<sup>7</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33а варак.

<sup>8</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33б варак.

<sup>9</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33б варак.

<sup>10</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33б варак.

<sup>11</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33б варак.

Мазмуни: Кимга илму ақл йўл кўрсатувчи бўлса, у бахтлидир, чунки буларсиз ҳаёт асоссиз бўлиб қолади. Илм амал билан бўлганидагина хазинага айланади. Билимсиз амалиёт кўп ранж келтиради.

Амир Кулол билиш жараёнида инсонга ҳиссиёт, ақлу идрок билан бирга Аллоҳ томонидан берилган қобилиятни муҳим ва асосий ҳисоблаб, усиз шахс ҳеч нарсага эриша олмайди деган фикрда туради. Ҳазрат Аллоҳ томонидан берилган илмни ҳар бир инсон ўзи эришган билимдан кўра устун қўйиб, қуйидаги фикрни илгари суради:

Илме, ки муаллимаш дар сина бувад,  
Дарси набувад ҳар он чи дар сина бувад,  
Сад хона китоб хони суде накунад,  
Онро, ки китобхона дар сина бувад.<sup>12</sup>

Мазмуни: Қалбда Аллоҳ томонидан жойлаштирилган илмни дарс олиш билан ўрганиб бўлмайди. Юзта уйда жойлашган китобларни ўқисанг ҳам, олган билимларинг қалбда кутубхонаси бўлган билимлар билан тенглаша олмайди.

Бу фикрлар билан Амир Кулол ладуний илмни барча илмлардан юксак мақомда туришини таъкидлаб, уни эгаллаш учун қалб кўзи очиқ бўлиши лозим деган фикрни илгари суради. Бу мисралар Амир Кулолнинг Аллоҳ томонидан берилган илм орқали ҳақиқатга эришиш мумкин деган ғояда турганликларини кўрсатади. Ҳазрат илоҳий илм жойлашадиган макон қалб эканлигини таъкидлайди. Қалбни поклаш учун Амир Кулол махсус эътибор зарурлигини кўрсатади.

Амир Кулолнинг қалбни поклаш масаласида қуйидаги ўғитлари мавжуд: “Билгинким, қалб ва тилнинг поклиги ҳалол луқмадандир. Чунки инсон меъдасини пок сув мавжуд бўлган ҳовуз каби тасаввур этинг. Бу пок сув ва тупроқдан ҳосил бўлган ҳар гул ва мева, албатта, пок ва фойдали бўлур. Ҳазрат Расул (с.а.в) айтганларким, 40 кун кимки, ҳалол луқманигина истеъмол қилса, унинг қалб кўзи очилиб, у илм ва ҳикмат булоқларидан баҳраманд бўлади. Бунга фақатгина таквони

<sup>12</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 336 варак.

ўзларига шиор қилиб олганлар муяссар бўлади.” “Ризку рўзингизни касбу ҳунар билан топинг. Ҳалол касб билан ризқингизни топинг ва исроф қилманг”. “Кўзингизни ҳаромни кўришдан, қулоғингизни ҳаромни эшитишдан, қўлингизни ҳаром ишдан ва оёғингизни ҳаромга юришдан сақланг”.<sup>13</sup>

Ҳалол вужуд илоҳий илм олишга катта имкон эканлигини таъкидлаб, Амир Кулол шундай ёзганларки: ҳалол вужудда қалб кўзи очилади. Қалб кўзини очилиши илоҳий илмни эгаллашга ёрдам беради.

Ин дида бипўш, то дилат дида шавад,  
3-он дида жаҳони дигаре дида шавад.  
Гар равзаи дил, ба зикри Ҳақ бикушои,  
Дар боми жаҳон ҳар чи бувад дида шавад.  
Мазмуни:

Кўзни юмгин, токи қалбинг кўзга айлансин,  
Шу қалб кўзингдан бошқа олам, яъни ғайб олами кўринади.

Агар қалб равзасини Ҳақ зикри учун очиб қўйсанг,

Жаҳон томида, яъни ўзга оламларда нима бўлса кўра оласан.

Бу мисралардан маълум бўладики, Амир Кулол ботин илми, маъно олами, ғайб сирларини билиш ҳақида ҳам фикр билдирган эканлар.

Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг бундан етти аср муқаддам билим олиш, илмли бўлиш ва унга амал қилиш хусусидаги мутафаккирона даъватлари билан ўтмиш, ҳозирги ва ҳусусан келажак ҳаётимиз юксалиши талаблари ҳамоҳангдир.

Саййид Амир Кулолнинг илму маърифат ҳақидаги ўғитлари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Инсон қадри илми билан баланд.
2. Илмнинг олий даражаси илоҳий илм бўлиб, унга фақатгина ҳалол луқма билан эришиб бўлади.
3. Илм олиш жараёнида ёмон ҳамсухбатдан узоқ бўлиш лозим.
4. Илм амали билан самаралидир.

<sup>13</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 336 варак.